Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 12 YANVAR, shanba
№ 5 (14496)

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз дўстлар!

Авваламбор, сиз оддий аскар ва сержантларни, офицер ва генералларни, хизматчилар ва уруш фахрийларини, барчангизни шонли байрам - Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўн йил миллий давлатчиликни тиклаш, унинг асосий идораларини шакллантириш учун тарихан жуда қисқа муддатдир. Лекин ана шу қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда, бир томондан, асрлар давомида яшаб келган кўҳна анъаналаримизга, аждодларимизнинг орзу-умидларига мос, иккинчи томондан эса, бугунги куннинг энг юксак талабларига, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги энг замонавий мезонларга мувофиқ бўлган давлатчиликнинг демократик асосларини яратиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг миқёсдаги улкан ишлар амалга оширилди.

Энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Қуролли Кучларимизни ташкил этиш масаласи мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиб турган турли хатарларни, биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасидаги амалда мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, жанговар операцияларнинг йўналиши ва характерини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилмоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган бош вазифа - сон жиҳатдан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуролланган армияни, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай босқинчи кучларга қарши туришга ва зарба беришга қодир бўлган тезкор, ҳар томонлама ўзига суянган ва таъминланган қисмлар яратишдан иборатдир.

Қуролли Кучларимизни, жумладан, Мудофаа вазирлиги ва чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини замонавий талаблар асосида янгитдан қуриш ва модернизация қилиш борасида аниқ мақсадларни кўзлаб қатъият ва изчиллик билан бугун олиб борилаётган кенг кўламли ишларимиз айнан шу муддаоларга эришиш учун қаратилган.

Ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари - сержантлик мактаблари ташкил қилиш, Қуролли Кучларнинг янгича таркибини ташкил этиш, махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар батальонлари тузиш, компьютер ва замонавий услублар асосида моделлаштириш жараёнларини ўз ичига олган янги таълим усуллари жорий этилмоқда.

Буларнинг барчаси дунёдаги етакчи армиялар ҳамда қуролли кучларнинг қурилиши ва таркибий тузилишини, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг замонавий усулларини, ҳарбий фан ютуқларини ва, шунингдек, НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ўтказилган биргаликдаги ўқув машқлари ва ҳамкорлиги жараёнида орттирилган тажрибаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси аввало ягона мақсадга қаратилган: бизнинг армиямиз ҳозирги мураккаб шароитда Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилибгина қолмай, айни пайтда у ёшларимиз учун ватанпарварлик, юртга садоқат билан хизмат қилиш мактаби, ҳар бир ҳарбий хизматчи қалбида - у офицер, сержант ёки оддий аскар бўладими - бундан қатъи назар, мустаҳкам ирода, юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш, уларнинг ақлий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, амалий касб кўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний тобланиш мактаби бўлсин.

Энг муҳими, бизнинг армиямизда ҳарбий хизмат қиладиган ҳар бир ёш ўғлон ўз халқига керак эканини, унинг жанговар меҳнати Ватан учун зарурлигини, унга давлат ва жамият томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ғамхўрлик кўрсатилишини доимо сезиб туриши, ҳар бир қадамида ҳис этиб туриши даркор. Бугунги кунда бу энг қуйи бўғиндан тортиб, энг юқори ҳокимият идораларигача - барча давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ғоят муҳим вазифаси, керак бўлса, муқаддас бурчидир.

Биз Қуролли Кучларимизда ана шундай шарт-шароитларни ярата олсаккина, унинг сафларида хизмат қилиш мақсадида ҳаётга катта умидлар билан қадам қўяётган ёшлар учун шон-шараф ишига айланади.

Азиз ватандошларим!

Бугун биз мураккаб бир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Жаҳонда терроризм, ашаддий жангарилик, наркобизнес хуружи каби балоқазоларнинг энг муқаддас неъмат бўлмиш инсон ҳаётига тажовузи ҳамон сезилиб турибди. 11 сентябрь фожиалари ва Афғонистонда аксилтеррористик ҳаракатлар олиб борилиши натижасида Марказий Осиёда, бевосита бизнинг чегараларимизда сиёсий-ҳарбий вазият ўзгармоқда, дунёнинг сиёсий харитасида кучларнинг янгича тақсимланиши рўй бермоқда.

Буларнинг барчаси давлатимиздан, жамиятимиздан, Қуролли Кучларимиздан ҳушёрликни янада оширишни, армиямизнинг жанговарлик қудратини ҳар томонлама юксалтиришни тақозо этади. У ҳар қандай вазиятда ҳар қандай агрессорга - қандай шакл ва қиёфада бош кўтармасин - муносиб зарба беришга қодир бўлмоғи зарур.

Бугун бирон-бир куч бизнинг мустақиллигимизга, хавфсизлигимизга, халқимизнинг тинчлигига тажовуз қилмоқчи бўлса, шуни билиб қўйсинки, қудратли армиямизнинг қақшатқич зарбасига учраши муқаррар.

Бунинг ягона кафолати - армиямизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, уни тубдан модернизация қилиш, энг замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлашдан иборатдир. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз фақат бир мақсадга қаратилиши даркор, яъни Қуролли Кучларимиз замон уларнинг олдига қўяётган ҳар қандай вазифани бажаришга муносиб бўлсин.

Азиз мард ўғлонларим!

Мана шу қутлуғ байрам кунида мен сизларга - барча ҳарбий хизматчиларга, аскарларимиз, офицер ва генералларимизга мурожаат қилмоқчиман. Барчангиз меҳрибон ота-оналарингиз, опа-сингилларингиз, ака-укаларингизнинг сизга билдирган буюк ишончи, улуғ аждодларимиз хотирасига, биз яшаётган даврга муносиб бўлинг.

Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари куни билан, Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг ўн йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

### ЁШ КАРАТЭЧИЛАР БАҲСИ

Ўрта мактаб ўқувчилари таътил кунларини мазмунли ўтказишлари мақсадида турли тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказиш анъана тусини олаётибди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти Кенгаши ва вилоят Каратэ федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Қорбобо" республика турнири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан беш юздан ортиқ ёш спортчилар қатнашдилар. Кескин курашлар остида ўтган мусобақа якунида мезбонлар — Самарқанд вилояти жамоаси биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Қорақалпоғистон Республикаси ёш каратэчиларига 3-ўрин насиб этди.

### ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль-муҳандислик билим юртида Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Икки авлод учрашуви" номли давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва бўлажак офицерлар Ватан олдидаги бурч ҳамда ватанпарварлик туйғуси ҳақида фикр алмашдилар.

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати**
**Марказий Кенгаши матбуот хизмати**

### ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ САРИ

— Бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга олиб, жамоамиз билан 10 гектар ер олганмиз. Белгиланган режани уддаладик. Пахтадан 1700000 сўм миқдорида даромад олдик. Ўқув хоналарини жиҳозлашга ва кутубхона фондини бойитишга ҳамда турли қўшимча тадбирлар ўтказишга имкон туғилади. Коллежда машғулотлар ўзбек ва қозоқ тилларида олиб борилмоқда. Шахмат-шашка, каратэ, бокс тўгараклари ишлаб турибди. Иккита "Пентиум-3" ва "ДЭУ" маркали компьютерлар келтирилган бўлиб, улар талабалар ихтиёрига бериб қўйилган, — дейди Мирзачўл туман касб-ҳунар коллежи директори Бегим Соғиндиқов.



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг коллеждаги бошланғич ташкилоти раиси Қарлиғоч Кожабоева раҳбарлигида коллежимиз ёшлари билан биргаликда турли илмий, бадиий тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ҳасан Йўлдошев билан ҳуқуқий масалалар юзасидан суҳбат ўтказилди.

**Намоз ҚАРШИЕВ ёзиб олди.**
**Суратда: Коллеж жамоаси**

## ҲАЁТ МАКТАБИНИНГ



## АСКАР «ЎҚУВЧИ»ЛАРИ

**Кечки овқат маҳали. Дастурхон атрофида кичик оиламизнинг барча аъзолари - жамулжаммиз. Ойнаи жаҳон ишлаб турибди. "Ёшлар" каналига олсак, ҳарбий кўрсатув бўлаётган экан. Экранда ҳарбийлар. Қоматлари адл, кийимлари ҳам ўзларига ярашган. Ҳарбий ҳаёт манзаралари. Туйқус олти ёшли ўғлим еб ўтирган овқатини қолдириб, дада, мен катта бўлсам аскар бўламан, деб, хонада у ёқдан бу ёққа ўтиб қолди. Аскарчасига қадам ташлар, гўдак қоматини ғоз тутишга интиларди. Шунда бирдан ўзимнинг болалигим ёдимга тушиб кетди...**

Ҳарбийларга ҳавас қилмайдиган, болалигида ҳарбий бўлишни, жилла қурса бир бор, орзу қилмаган ўзбекнинг бирор йигити топилмаса керак. Шу орзу сабаб, қанчадан-қанча мард ва жасур, паҳлавон йигитларимиз ўз умр йўлларини ҳарб иши билан боғламоқдалар.

Болаликдаги орзу нафақат хаёл парвози, балки ота-боболаримиздан, қон орқали деймизми, суяк суриб деймизми, ўтган — ожизларни муҳофаза қилиш, оила, эл-юрт, кенг маънода айтганда, бутун Ватанни, шу азиз заминни ҳар хил ёвларнинг хуружи-ю, ҳужумидан ҳимоя қилишга бўлган табиий интилишдир. Бу ёшликка хос жўшқинлик, ўзлигини, ўзининг нималарга қодирлигини, ўз имкониятларини намоён этишига бўлган ташналикдир.

Кўпчилигимиз яхши эслаймиз, собиқ шўролар даврида айни куч-қувватга тўлган кўпчилик йигитларимиз ҳарбий хизматдан бир тузалмас дардга чалиниб қайтишарди. Ким совуқ ўлкаларда бел ёки оёғини аёзга олдирган — бодга чалинган, ким "қудратли" армиядаги миллий-маҳаллий муҳитнинг носоғломлиги туфайли азият чеккан.

Мустақиллигимиз ва мамлакат Қуролли Кучлари ташкил этилганига ўн йил тўлгач, яъни бугунги кунда, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ҳарбий хизмат, умуман ҳарбийлар иши, айниқса, ёшларимиз орасида шон-шараф, ор-номус, жавонмардлик ишига айланди. Бугунги кунда ёшларимиз ҳарбий хизматни чин маънода Ватан олдидаги бурч, халқ олдидаги йигитлик қарзи, дея билмоқдалар.

Шу кунларда бирор бир хасталик туфайли ёки бошқа сабаб билан ҳарбий хизматга вақтинчалик жалб этилмагани учун ўксиниб юрган баъзи ёшларни учратиш мумкин. Улар ҳарбий хизматда бўлишни, Ватан олдидаги қарзни узишни фарзандлик бурчи деб ҳисоблайдилар.

Мустақил давлатимиз Армияси чин маънода ҳаёт

**(Давоми 2-бетда)**

# 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## ҲАЁТ МАКТАБИНИНГ АСКАР «ЎҚУВЧИ»ЛАРИ

**(Давоми, боши 1-бетда)**
мактабига айланган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларимиз олдида мустақил ҳаётнинг юксак уфқлари очилмоқда. Ҳарбийлар ҳаётининг енгил бўлмаган синовларида тобланиб-чиниққан йигитлар хизматдан қайтгач, олий ва бошқа турли ўқув даргоҳларига кириб, ўз билим ва малакаларини оширишга ёки, энг муҳими, бир ишнинг бошини тутишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки, Армиямиз мактаби ҳаётда ҳали катта тажрибага эга бўлмаган ёшларни нафақат жисмоний, балки руҳий-маънавий жиҳатдан ҳам чиниқтирмоқда. Йигитлар ҳарбий хизматдан бирор бир касб ёки ҳунар малакасига ҳам эга бўлиб қайтмоқдалар. Шу сабабли улар ҳаётнинг турли вазиятлари қаршисида гангиб қолмайдилар. Гиёҳвандлик ёки бошқа ҳар хил салбий иллатлар таъсирига берилмайдилар, жиноят кўчасига кирмайдилар. Аксинча, шундай таъсирга берилган ёки жиноят кўчасига кирганларни қайтаришга ўзларини бурчли санайдилар.

Бугунги кунда ҳарбийларимиз зиммасида катта масъулият бор. Мустақил Ватанимиз чегараларини дахлсиз сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини кўз қорачиғидек асраш, турмушимиз барқарорлиги, осмонимиз мусаффолигини таъминлаб бериш энг муқаддас вазифа, десак ҳечам янглишмаймиз. Тунда хотиржам ухлаб, тонгда ҳаловат топиб уйғониш, эрталаб мактабга, институтга, ишга, бозорга бехавотир йўл олиб, яна бола-чақа ҳузурига, оилага ҳеч қандай хавф-хатарни сезмай қайтишдан ортиқ саодат борми ўзи бу дунёда? Яқин ва узоқдаги, ҳаловатини йўқотган халқлар, XXI аср тадрижига мос равишда ривожланиш ўрнига иқтисодий-сиёсий бўҳрон, маънавий-маърифий таназзул ўчоғига айланган мамлакатлардаги манзараларни ҳар куни кўриб-билиб турибмизку.

XXI асрга хос маърифат, инсонни инсондек муҳтарам билиш, эл-юрт, миллату халқни ўз ўрни ва даражасида ҳурмат қилишдек қадрият сиқиб чиқарилган жойда жаҳолат илдиз отишини ва бундан тинч аҳоли, айниқса, ёшлар, шунингдек, маданият, илм-фан жабр чекишини, жиноят, жабр-зулм, бағритошлик, шафқатсизлик, афсуски, кенг қулоч ёйишини давримиз ҳақиқати исботлаб турибди.

Ўзбекистонимизнинг Қуролли Кучларида соғлом, бақувват, жасур, билимдон, фидойи ёшлар хизмат қилмоқда. Халқимиз бу ёшларга, мард ўғлонларга ишонади. Бу ишонч ўтган йилларда халқаро жиноятчилар чегараларимиз дахлсизлигини, халқимиз тинчлиги, осуда ҳаётимизни бузишга уринганларида яна бир карра ўз исботини топди.

Одамларимизнинг тинч турмушини, чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш, асраб-авайлашда ҳатто ўз жонини ҳам аямаган мард йигитларимиз хотирасини халқимиз доимо эъзозлайди. Юртбошимизнинг Фармони билан тинчлигимизни асраш йўлида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг "Жасорат" медали ва Ватанимизнинг бошқа юксак мукофотлари билан тақдирланиши фикримизнинг далилидир.

Дунёнинг энг қудратли давлатлари ва уларнинг армиялари юртимиз ва унинг Қуролли Кучлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилаётганида катта маъно бор, албатта. Қуролли Кучларимизнинг салоҳият жиҳатидан минтақада энг илғорлиги, энг замонавий жиҳозлар ва малакали кадрларга эга эканлиги бугунги кунда бутун дунёда эътироф этилмоқда. Бу - қўшни Афғонистон ҳудудида олиб борилаётган халқаро террорчиларга қарши ҳаракатларда яна бир бор тасдиқланди. Куни кеча жаҳон оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистоннинг фаол иштирокисиз Афғонистонда халқаро террорчиларга қарши курашда қисқа муддатда катта муваффақиятга эришиб бўлмас эди, деган мазмунда катта-кичик маълумотлар тарқатгани бежиз эмас.

Қуролли Кучларимиз сафларида зарур пайтда жасорат кўрсата оладиган фидойи ёшлар бор экан, уларга ҳавас ва ихлос билан ўсиб-улғаяётган болалар ҳам кўпаяверади. Бинобарин, Қуролли Кучларимиз сафлари иймон-эътиқодли, ор-номусли, мард ва жасур ёшлар билан мустаҳкамланаверади.

**Салим АШУРОВ**

### БУРЧ

Бугун биз озодмиз... Кўнглимиз озод. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм суряпти. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Энди оналар фарзандларини ўз юртида йигитлик бурчини ўташлари учун беташвиш Ватан ҳимоясига кузатадилар. Кексалар эса: "Юзимизни ерга қаратмай, бошингизни баланд кўтариб хизмат қилинг, уйга соғ-саломат қайтинглар", — дея дуога қўл очишади. Ахир, Ватан олдидаги бурчни ўташ, барчамиз учун фарз. Бу ҳар бир йигитнинг МЕНидаги бурчидир. Асл ўғлонлар эса бу ишончни, албатта, оқлайди. Зеро, бурчга садоқатлик мард йигитларга хосдир.



### ОҚ ТОНГЛАР

Эгнига ҳарбий либос кийган юрт ҳимоячиларининг ҳар бир жасоратини ҳеч ким, ҳеч қачон унутмайди. Сурхондарёда содир бўлган кўпорувчилик ҳаракатларида душманни ер билан яксон қилиб, Ватан тинчлиги учун ўз жонини фидо қилган ўн икки ўғлон шу дам кўз ўнгимизда гавдаланади. Ватан нон-тузига содиқ бу йигитлар, аллақачон миллат фахрига, қаҳрамонига айланган. Ватан учун шаҳид бўлганлар эса мангуга тирикдир. Халқнинг юрагида яшайди улар!

## МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Маълумки, шу кунларда вилоятларда "Ватанпарварлик" ойлиги ҳамда Республикамиз Қуролли Кучлари ташкил топганининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу муносабат билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти Кенгаши ва вилоят "Ватанпарвар" Мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти ҳамкорлигида "Моҳир мерганлар баҳси" танлови ўтказилди.

Қизғин давом этган ушбу мусобақада ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган Боғдод мерганчилар жамоаси аъзоси Замирахон Аҳмедова "Моҳир мерган" совринини қўлга киритди. Мусобақада фаол иштирок этган мерган жамоалар "Камолот" ва "Ватанпарвар" Мудофаага кўмаклашувчи ташкилотнинг совғалари ҳамда Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

**Ботир ОМОН**

### ЎЗБЕГИМ АСКАРЛАРИ

*Сарҳадимиз посбони,*
*Юртимнинг шараф-шони,*
*Тинчлигимиз қўрғони.*
*Ўзбегим аскарлари.*
*Биз илм - ниҳол экдик,*
*Келажакка кўз тикдик.*
*Сизлар сергак, сиз тетик,*
*Ўзбегим аскарлари.*

*Осмонимиз мусаффо,*
*Юрт кезар сокин ҳаво.*
*Осойишлик муддао,*
*Ўзбегим аскарлари...*
*Янги йилга зўр тилак —*
*Ватан десин ҳар юрак!*
*Сизлар халқимга керак,*
*Ўзбегим аскарлари...*

**Зулфия ЭШБОБОЕВА,**
**Яккабоғ туманидаги 73-мактаб ўқувчиси**

## ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ ОФИЦЕР

**Бўлинма командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Ашураҳмад Қодировга режаларим борасида сўзлайман. "Шошманг, шошманг. Ёш офицерлар ҳақида ҳам маълумот олиш ниятим бор, дедингизми? Келинг, ишни шундан бошлай қолайлик.**

Бу борада омадимиз чопган. Жорий йилда ҳарбий билим юртларини тамомлаган сара офицерлардан бир нечтасини мана бизга жўнатишган-да". Офицер Қодиров гапининг сўнгги жумлаларини ҳазилга бургани боис, очиғи, унчалик ишонмадим. "Биламан, ишонмаяпсиз. Ҳозир келишсин ўзингиз гувоҳи бўласиз",— деди Ашураҳмад ака

—Киришга рухсат этинг, — эшикдан норғул, ўктам йигит бўйлади. Хуллас, бу ёш офицер билан суҳбатни бошлайман.

— Ҳайрон бўлманг, ўзбекчада сал-пал гапираман. Ахир, мен Тошкентда, Мирзо Улуғбек туманида туғилиб, ўсганман. Маҳалладош дўстларимнинг кўпи ўзбек болалар эди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик- муҳандислик билим юртида курсант ўртоқларимнинг кўпи ўзбек бўлган, дейди лейтенант Пак.

Олег пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида туғилиб ўсганини айтди. Акаси Евгений ҳам шу соҳани танлаган. Хуллас, оиладаги икки ўғил тақдирини ҳарбий соҳага бағишлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Олег курсантлигидаёқ билими, интизоми ва хулқи билан командирлари ҳурматини қозонган. Профессионал армияга ҳар томонлама мос офицер бўлиб етишиш учун ўз устида тинимсиз ишлайди.

Буни қарангки, артиллерия илмини эгаллаган лейтенант О. Пак илк синовни полигонда ўтказади. Ҳатто унга батарея катта офицери лавозими ҳам дала-ўқув машғулотлари маҳали топширилди. Машғулотларнинг дастлабки онларидаёқ шахсий таркиб билан самарали ишлай олишини кўрсатди.



Мустақилликдек буюк неъматни ҳимоя қилишга бел боғлаган ёш офицернинг келгусидаги жанговар ютуқларидан умидвормиз.

**Алижон САФАРОВ, капитан**

**К. ТЎРАЕВ суратга олган**

## ЎҒЛИМГА МАКТУБ



**Мен бугун жуда бахтиёрман, чунки сен эл-юрт қорига ярайдиган, она Ватан чорласа "лаббай", дея жавоб берадиган ўғлон бўлиб камолга етдинг.**

**Эсингдами, ҳарбий бўламан, деган сўзингга кулиб қўйгандим. Болаликдаги ҳавасинг йил ўтган сари юрагингда маҳкамроқ ўрнашишини хаёлимга келтирмаган эканман. Эндиликда Тошкентдаги ҳарбий билим юртида таҳсил оляпсан. Эгнингда ҳарбий либос. Кўриб кўзим қувнайди. Бақувват мушакларинг кучга тўла, кўзларинг мағрур боқади. Сен билан фахрланман, ўғлим! Бежиз сенга Алишер деб исм қўймаганман. Сен шерюракли, қўрқмас йигит бўлишинг керак. Чунки сенинг томирингда мард боболарингни қони оқмоқда. Буни ҳеч қачон унутма! Она-Ватанга доимо садоқатли бўл. Сени соғиниб, қучиб қолувчи отанг:**

Абдуҳошим РАЖАБОВ

Рукнни Зиёда АШУРОВА тайёрлади




# МУНАЖЖИМЛАР ТАҚВИМИ «Turkiston» 2002

| Бурж белгилари | ЯНВАРЬ | ФЕВРАЛЬ | МАРТ | АПРЕЛЬ | МАЙ | ИЮНЬ | ИЮЛЬ | АВГУСТ | СЕНТЯБРЬ | ОКТЯБРЬ | НОЯБРЬ | ДЕКАБРЬ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 |
| С | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 |
| Ч | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 |
| П | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 |
| Ж | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 |
| Ш | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 |
| Я | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 |




- ☺ Омадли кун
- ☹ Омадсиз кун
- ✌ Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш учун қулай кун
- ? Алданиб қолиш хавфи
- Моддий фаровонлик
- Келишмовчилик
- Орзудаги учрашувлар, муҳаббат изҳорлари
- Соғлиғингизни ўйланг
- Савдонгиз бароридан келади
- Янгилик, хабар эшитасиз
- Ишбилармонликда омадли кун
- Ижодий юксалиш

Turkiston
МУАССИС:
«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-3.

**Бош муҳаррир:**
**Салим АШУРОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**Манзилимиз:**
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** 136-54-62,
Реклама бўлими:
(3712) 133-79-69

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г. — 31 10. Адади-4694

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**Вилоят мухбирлари:**

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — *Термизда:* 8-37-622 — 3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — *Бухорода:* 8-36-522 — 3-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — *Гулистонда:* 8-36-722 — 4-02-86
Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича — *Фарғонада:* 8-37-322 — 4-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — *Самарқандда:* 8-36-622 — 2-59-31
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — *Урганчда:* 8-36-222 — 7-45-22

**Навбатчи муҳаррир:**
Зиёда АШУРОВА

**Саҳифаловчи:**
Нодирбек ОРТИҚОВ